

“Ипотека” кредит шартномаси № _____

_____ 20__ йил « __ » _____

Кейинги ўринларда “Банк” деб юритилувчи, Акциядорлик тижорат Халқ банки номидан, филиал Низоми ва 20__ йил _____ даги № _____-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, банкнинг _____ филиали бошқарувчиси _____ бир томондан, кейинги ўринларда “Қарз олувчи” деб юритилувчи, фуқаро _____ (паспорт маълумотлари: серияси __, рақами _____, __.__.20__ йил _____ вилояти _____ тумани ИИБ томонидан берилган) иккинчи томондан, кейинги ўринларда “Шерик қарздор” деб юритилувчи, фуқаро _____ (паспорт маълумотлари: серияси __, рақами _____, __.__.20__ йил _____ вилояти _____ туман ИИБ томонидан берилган) ҳамда кейинги ўринларда “Шерик қарздор” деб юритилувчи, фуқаро _____ (паспорт маълумотлари: серияси __, рақами _____, __.__.20__ йил _____ вилояти _____ туман (шаҳар) ИИБ томонидан берилган), учинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш мажбуриятини, Қарз олувчи эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2. КРЕДИТНИНГ ШАРТЛАРИ

2.1. Кредит суммаси – _____ (сумма сўз билан ёзилади) сўм.

2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати – __ (сўз билан ёзилади) ой, асосий қарзга нисбатан __ (сўз билан ёзилади) ой имтиёзли давр.

2.3. Кредит бўйича асосий қарз қарздорликни қайтариш жадвалига асосан тўланади (Ушбу шартномага 1-сонли илова).

2.4. Кредит бўйича фоиз ставкаси – __% (сумма сўз билан ёзилади).

2.5. Асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати – ҳар ойнинг 15 санасигача.

2.6. Кредит мақсади ва объекти - _____ шаҳар _____ тумани _____ кўчаси, __-уй __-хонадон манзилидаги, умумий майдони _____ кв.м, __ қаватли уйнинг __-қаватида жойлашган __ та хонадан иборат хонадонни дастлабки олди-сотди шартномасига асосан кредит маблағлари ҳисобига Сотувчидан сотиб олиш учун.

2.7. Қарздор кредит олиш учун _____ (сумма сўз билан ёзилади) сўм миқдорида дастлабки пул бадалини АТ Халқ банкнинг _____ филиалидаги омонат ҳисобрақамига (Банк коди: *****) киритиши лозим.

3. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

3.1. Агар шартнома матнидан бошқача мазмун англашилмаса, ушбу шартнома матнида кейинчалик учрайдиган барча тушунчалар, мазкур бўлимда келтирилган маънода тушунилади:

а. қарз олувчи–тўловга лаёқатлилиқ малака текширувидан ўтган, уй (квартира)ни сотиб олиш учун ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим қилган жисмоний шахс;

б. шерик қарздор – ҳар ойда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашда иштирок этувчи, шунингдек, тўловга лаёқатли ва кредит шартномаси бўйича солидар жавобгар жисмоний шахслар _____ ва _____;

с. сотувчи – иккиламчи бозорда уй-жойни сотувчи жисмоний шахс.

d. дастлабки бадал – сотиб олинаётган уй-жой учун қисман тўлов тарзида Банкдаги ҳисобрақамга қўйилган пул маблағлари;

е. кредит бўйича қарздорлик – кредит ёки унинг қарз олувчи томонидан фойдаланган қисми, қарз олувчи учун очилган тегишли ҳисобрақамларда юритилувчи ҳисобланган фоизлар;

f. кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик - қарз олувчи ва шерик қарздорлар томонидан белгиланган муддатда тўланмаган кредит суммаси ёки унинг бир қисми, кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар, неустойка ва бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича белгиланган қарздорлик.

4. ҚАРЗ ОЛУВЧИ ВА ШЕРИК ҚАРЗДОРНИНГ ТАСДИҒИ

4.1. Қарз олувчи ва Шерик қарздор қуйидагиларни тасдиқлайди:

а) Кредитни расмийлаштириш ва олиш учун Банкка тақдим этилган/этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончли бўлиб ҳисобланади;

б) қарз олувчи ва шерик қарздор шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва мазкур мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

с) қарз олувчи ва шерик қарздор шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши, қарз олувчи ва шерик қарздорнинг мазкур шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган жавобгарлигини келтириб чиқаради;

d) агар қарз олувчи ва шерик қарздор тўлов қобилиятига эга бўлмаса ёки шартномада белгиланган талабларни бажара олмаса, Банк кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ҳамда бошқа тўловларни муддатидан илгари қайтариб олишга ҳақли. Бунда Банк кредит бўйича таъминот ва қарз олувчи ҳамда шерик қарздорнинг шахсий мулкига ундирувни қаратиш ҳуқуқига эга бўлади;

е) чақириб олинмайдиган ва сўзсиз тартибда Банкка кредит бўйича ҳар қандай таъминотни реализация қилиш ундан фойдаланиш ва/ёки ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун ҳар қандай чораларни кўриш ваколатини беради.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Қуйидаги ҳолларда ушбу шартномада назарда тутилган кредитни Қарз олувчига қисман ёки тўлиқ беришдан бош тортиш:

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни 5 (беш) банк кунда тақдим этмаслик;

- уни тўловга лаёқатсиз деб топганда;

- шартнома имзолангандан кейин кредит қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги фактлари аниқланганда.

5.1.2. Қарз олувчи ва шерик қарздорнинг молиявий аҳволи, тарар жой ва таъминот сифатида тақдим этилган бошқа мол-мулкнинг ҳолати масалалари бўйича текшириш ўтказиш.

5.1.3. Ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолати вужудга келганда Банк ўз хоҳиши билан қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширишга ҳақли:

а) қарз олувчи ва шерик қарздорга мажбуриятларни бажармаслик ҳолати вужудга келганлиги ва уни бартараф этиш муддатини белгилаган ҳолда ёзма огоҳлантириш юбориш;

б) ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун қўшимча таъминот талаб қилиш;

с) ушбу шартномада кўрсатилган тартибда қарз олувчи ва шерик қарздордан кредитни ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;

д) мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун тузилган шартномалар ва қонунчиликда белгиланган тартибда кредит таъминотига ундирувни қаратиш;

е) ушбу шартнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳар қандай ҳуқуқдан фойдаланиш.

5.1.3. Мазкур шартнома бўйича Қарздорнинг муддати ўтган қарздорлиги юзага келган ҳолларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини (асосий кредит, фоиз, пеня) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарздор ва Шерик қарздорнинг барча ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва б.)дан уларнинг топшириғисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда мемориал ордер орқали кўчириб (ундириб) олиш ҳуқуқига эга.

5.2. Қарз олувчи ва шерик қарздорнинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартномада кўрсатилган сумма ва мақсадларда 5 (беш) банк кун ичида ссуда ҳисобрақамидан тўловни амалга ошириш.

5.2.2. Кредитни муддатидан олдин тўлаш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Банкнинг мажбуриятлари:

6.1.1. Кредит ажратиш учун зарур барча шартлар бажарилгандан сўнг ушбу шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган суммани Сотувчига тўлаб бериш.

6.1.2. Қарз олувчи ва шерик қарздорни кредит учун тўловнинг ортгани ёки қамайгани, кредит беришдан бош тортиш, уни муддатидан аввал ундириш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

6.2. Қарз олувчи ва шерик қарздорнинг мажбуриятлари:

6.2.1. Илова қилинган тўловлар жадвалига асосан кредит ва фоизларни ойлик тўловларни амалга ошириш орқали қоплаш.

6.2.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк куни ичида қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштириш:

а) нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

б) кадастр органидан давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги техник ҳужжатлар;

с) кредит шартномаси муддатига мос равишда кўчмас мулкнинг суғурта шартномаси ва суғурта полиси;

д) нотариал тасдиқланган кўчмас мулк гарови (ипотека) шартномаси ва таъқиқ;

е) кўчмас мулк гарови (ипотека) шартномасининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.

6.2.3. Банкнинг сўровига асосан Банк вакилларига гаровдаги мол-мулк ва кредит ҳамда қарз олувчи ва шерик қарздорнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳар қандай мол-мулкни жойига чиқиб кўриш имкониятини бериш.

6.2.4. Ҳар йилда БАНКка қарз олувчи ва шерик қарздорнинг даромадлари тўғрисидаги, шунингдек уларнинг турар жойларидан маълумотномани Банкни қониктирувчи шакл ва мазмунда тақдим этиш.

6.2.5. Турар жойи, фамилияси, иши ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи бошқа маълумот ва ҳолатларнинг ўзгарганлиги тўғрисида 3 кун ичида Банкка маълумот тақдим этиш.

6.2.6. Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажариш.

6.2.7. Доимий равишда оилавий аҳволи, иши ва бошқа ушбу кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатувчи бошқа маълумот ва ҳолатларнинг ўзгарганлиги тўғрисида доимий равишда маълумот бериб бориш.

6.2.8. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлик тамойилларига риоя қилиш.

6.2.9. Ушбу шартнома амалда бўлган даврда бошқа кредиторлардан қарз ва кредитлар олмаслик, бошқа шахсларга қарз ва кредит бермаслик, учинчи шахснинг мажбуриятлари бўйича кафил бўлмаслик.

6.2.10. Қарздор ва Шерик қарздор ўзларининг банкдаги барча банк ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва бошқа) тўғрисидаги маълумотларни банкка тақдим этиш мажбуриятини оладилар.

7. КРЕДИТ БЕРИШ ВА УНИ СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Қарз олувчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган кредит суммаси Сотувчининг банкда очилган ҳисобрақамига ўтказиб берилади:

а) Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган гаров шартномасининг асл нусхаси;

б) Банк кредити ҳисобига сотиб олинган ва қарз олувчининг номига расмийлаштирилган уй-жойнинг олди-сотди шартномасининг Давлат кадастр органида рўйхатга олинган асл нусхаси, шунингдек турар-жойга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар асл нусхаси;

с) Суғурта тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек гаров предметининг суғурта шартномаси ва суғурта полиси.

7.2. Қарз олувчи ва шерик қарздорнинг кредитни қайтариш бўйича тўловлари қуйидаги тартибда тўланади;

а) кредит бўйича муддати ўтган фоизларни тўлаш;

б) кредит бўйича муддати ўтган қарздорликни тўлаш;

с) муддатли фоизларни тўлаш;

д) муддатли кредит қарздорлигини тўлаш;

е) қарз олувчининг бошқа тўлов мажбуриятларини бажариш.

7.3. Қарз олувчи ва шерик қарздор иловада келтирилган тўловлар жадвалига асосан ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан кредитни қайтаради ва унга ҳисобланган фоизларни тўлайди.

8. МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ушбу бандда келтирилган ҳар қандай ҳолат мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бўлиб ҳисобланади:

а) кредит маблағларини мақсадсиз ишлатиш;

b) қарз олувчи ва шерик қарздорнинг кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича тўловларни ушбу шартномада, унга илова қилинган тўловлар жадвалида, шунингдек ушбу шартнома билан тузилиши кўрсатиб ўтилган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада амалга оширмаслиги;

c) ушбу шартнома шартларини бузиш;

d) ҳаққоний бўлмаган ҳужжатларни тақдим этиш орқали Банкни атайлаб чалғитиш;

e) банкнинг хулосасига кўра қарз олувчи ва шерик қарздор томонидан Банкка кредит бўйича тақдим этилган таъминот турининг ўз қийматини тўлиқ ёки қисман йўқотиши ёки ҳақиқий бўлмай қолиши;

f) қарз олувчининг, шерик қарздорнинг молиявий аҳволининг ёмонлашиши ёхуд кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни мунтазам бузилишига олиб келувчи аниқ маълумотларни яшириш;

g) қарз олувчи ва шерик қарздорнинг Банк олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар;

h) ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар (гаров, кафолат, суғурта ва бошқалар) шартларини бузиш.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ

ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни қайтариш муддати кечиктирилганда:

a) биринчи ой мобайнида шартномага биноан ўрнатилган фоиз ставкасининг 1,3 баробарига;

b) иккинчи ойдан бошлаб 1,5 баробарига кўпайтирилган ҳолда фоиз тўлайди.

9.2. Асосий қарз ва фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлик ҳамда улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун қарздор Банкка кечиктирилган тўловларнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,4%** миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.3. Мазкур шартномада кўрсатилган муддатда кредит ажратилмаганда, Банк қарздорга кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1% миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.4. Тарафлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низолар томонларнинг ўзаро келишуви орқали ҳал этилади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фуқаролик тартибда суд орқали ҳал этилади.

10. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ

10.1. Ушбу шартнома имзолангандан сўнг, Қарздор ____ (сўм билан ёзинг) банк иш куни ичида кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган, _____ шаҳар _____ тумани _____ кўчаси, ____-уй ____-хонадонни, умумий майдони ____ кв.м, __ қаватли уйнинг ____-қаватида жойлашган ____ та хонадан иборат хонадон бўйича олди-сотди шартномасини тузиб ва уни тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказиб, сўнг Банкка гаровга қўяди (тарафлар ўртасидаги келишув далолатномасига асосан сотиб олинаётган уй-жой _____ (сумма сўм билан ёзинг) сўмга нотариал тартибда гаров шартномаси тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади) ҳамда уй жойни кредит шартномаси муддатига мос равишда Банк фойдасига суғурта қилдиради.

10.2. Банк қарз олувчи ва шерик қарздордан кредит бўйича қўшимча таъминот талаб қилишга ҳақли.

10.3. Бир неча таъминот турининг мавжудлиги бир-бирига зид ҳисобланмайди, мажбуриятлар бажарилиши таъминотининг ҳар бири мустақил бўлиб, бир-бирига боғлиқ ҳисобланмайди.

10.4. Таъминот турларига ундирувни қаратиш зарурати вужудга келганда, Банк ўз хоҳиши ва танловига кўра таъминот турларидан бири ёки барчасига баравар ундирувни қаратиш ҳуқуқига эга.

10.5. Кредит таъминоти билан боғлиқ ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни қарз олувчи ўз зиммасига олади.

10.6. Қарз олувчи ва шерик қарздор кредит таъминотини кредит суммасининг 125% миқдоридан ушлаб туриш мажбуриятини олади.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан кучга киради. Банкнинг кредит бериш мажбурияти қарз олувчи томонидан ушбу шартномада кўрсатилган ҳужжатлар Банкка тақдим қилингандан сўнг кучга киради. Ҳужжатлар 30 (ўттиз) банк иш куни ичида тақдим этилмаганда, Банк кредитни беришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли.

11.2. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб тарафларнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар ёки ушбу шартномага қўшимча келишувларда кўрсатиб ўтилган шартларда бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

11.3. Ушбу шартноманиннг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманиннг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

11.4. Агарда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидаги ўзгаришлар натижасида ушбу шартноманиннг бирор-бир шarti амалдаги қонунчиликка мос келмай қолса, бу ҳолат шартноманиннг бошқа шартларининг бажарилишига таъсир қилмайди ва қисқа муддат ичида маъно ва мақсад жиҳатидан яқин бўлган бошқа шарт билан алмаштирилади.

12. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

12.1. Тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгарликдан озод этиладилар.

Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

12.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

12.3. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

12.4. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Қарз олувчи ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган уй-жойни Банкнинг ёзма розилигисиз қайта куриш ва ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

13.2. Ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган уй-жойни Банкнинг ёзма розилигисиз қайта қурганлик ва ўзгартирганлик учун қарз олувчи қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади ва уй-жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириш мажбуриятини олади.

13.3. Кредит шартномаси амалда бўлган даврда Банкнинг ёзма розилигисиз уй-жойни сотиш, воз кечиш, ижарага бериш, ипотека нарсасига учинчи шахслар ва яқин қариндошларни рўйхатга қўйишга рухсат берилмайди.

13.4. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва бир томондан Банк ҳамда бошқа томондан қарз олувчи ва шерик қарздор томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

13.5. Банк ўз хоҳишига кўра қарз олувчига нисбатан ушбу шартномада белгиланган ҳар қандай ҳуқуқдан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Банк томонидан мазкур ҳуқуқлардан фойдаланмаслик ёки қисман фойдаланиш, мазкур ҳуқуқлардан воз кечилганлигини англамайди ва Банк кейинчалик улардан ҳар қандай вақтда фойдаланиши мумкин.

13.6. Ушбу шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади.

14. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

“Банк”

Акциядорлик тижорат Халқ банки

_____ филиали

Манзил: _____ шаҳар, _____ тумани,
_____ кўчаси, _____-уй.

Тел: (____) ____ - ____ - ____, факс: (____) ____ - ____ - ____

Х/р _____

МФО _____ ИИН _____

Бошқарувчи:

_____ -.-.-_____

Бош бухгалтер:

_____ -.-.-_____

М.Ў.

Бош юрисконсулт:

_____ -.-.-_____

“Қарз олувчи”

И.Ф.О

Манзил: _____ шаҳар, _____
тумани, ____-мавзе ____-уй ____-хонадон.

Паспорт: серияси АА, _____, 20__
йил«__» _____да _____ вилояти

_____ тумани ИИБ томонидан берилган.

Тел. _____

_____ -.-.-_____

“Шерик қарздор”

И.Ф.О

Манзил: _____ вилояти, _____
тумани, _____ ҚФЙ, _____ кўчаси
_____ уй.

Паспорт: серияси АА, _____, 20__
йил «__» _____ да _____ вилояти

_____ тумани ИИБ томонидан берилган.

(шерик қарздор исми, шарифи қисқартирилмаган ҳолда, ўз қўли билан)

Ушбу шартномани ўқидим, шартномадаги бўлим ва бандлар ҳамда ундаги сўзларнинг мазмуни, моҳияти аниқ ва тушунарли бўлганлиги учун мазкур шартномани имзолайман ва ушбу шартнома шартларини сўзсиз бажараман.

“Шерик қарздор”

-

И.Ф.О.

Манзил: _____ шаҳар, _____
тумани, _____ мавзеси, ___-уй
_____ -хонадон.

Паспорт: серияси __, _____, 20__
йил «__» _____ да _____ вилояти

_____ шаҳар томонидан берилган.

(шерик қарздор исми, шарифи қисқартирилмаган ҳолда, ўз қўли билан)

Ушбу шартномани ўқидим, шартномадаги бўлим ва бандлар ҳамда ундаги сўзларнинг мазмуни, моҳияти аниқ ва тушунарли бўлганлиги учун мазкур шартномани имзолайман ва ушбу шартнома шартларини сўзсиз бажараман.

